

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати
ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон
Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа
меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш соатлари тўғрисида маълумот**

Тадбирда маърузачи томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ўРҚ-547-сон Қонуни ҳақида бўйича тушунтиришлар бериб борилди. Қонунда асосий мақсад шахсга доир маълумотлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги кўрсатиб ўтилган.

Қонун 7-боб, 36-моддадан иборат бўлиб, унда шахсга доир маълумотлар тўғрисида, асосий принциплар, шахсга доир маълумотлар соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, шахсга доир маълумотларга ишлов бериш каби масалалар тўлиқ ёритиб берилган.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

жисмоний шахс томонидан шахсга доир маълумотларга шахсий, маиший мақсадларда ва ўз касбий ёки тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлов бериш;

Миллий архив фонди ҳужжатларини ва шахсга доир маълумотларни ўз ичига олган бошқа архив ҳужжатларини шакллантириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш;

давлат сирларини ташкил этадиган маълумотлар жумласига киритилган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш;

тезкор-қидирув, разведка ва контрразведка фаолияти, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш жараёнида, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш доирасида олинган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш чоғида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Субъект ва оператор шахсга доир маълумотларга ишлов бериш иштирокчиларидир. Субъектнинг қонуний вакили, мулкдор ва учинчи шахслар ҳам шахсга доир маълумотларга ишлов бериш иштирокчилари

сифатида иш юритиши мумкин. Давлат шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Шунингдек, йиғилган иштирокчилар томонидан ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича маърузачи саволлар беришди ҳамда белгиланган муддатда ва қизиқарли ўтказилди.